

7-1-2018

## Attraction of foreign investments - as a pledge of export opportunities of regions

R.R Nazarova

*Tashkent State University of Economics, Tashkent, str, Islam Karimov 49, tdiunazarova@mail.ru*

G.N Nigmatullaeva

*Tashkent State University of Economics, Tashkent, str, Islom Karimov 49*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

---

### Recommended Citation

Nazarova, R.R and Nigmatullaeva, G.N (2018) "Attraction of foreign investments - as a pledge of export opportunities of regions," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018 : No. 3 , Article 10.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss3/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ - МИНТАҚАЛАР ЭКСПОРТ ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШ ГАРОВИ СИФАТИДА

Назарова Раъно Рустамовна,  
ТДИУ профессори, и.ф.д.  
E-mail: [tdiunazarova@mail.ru](mailto:tdiunazarova@mail.ru)

Нигматуллаева Гулчехра Нуруллаевна,  
ТДИУ магистранти

**Аннотация:** Мақолада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилишнинг таҳлили ҳамда минтақа иқтисодиёти ва экспорт салоҳиятига таъсири ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш жозибдорлигини ошириш йўллари кўриб чиқилган ҳамда таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

**Аннотация:** Привлечение прямых иностранных инвестиций- гарантия в повышении развития регионального экспорта. В данной статье рассмотрены значение, роль и факторы влияющие на развитие региональной экономики и увеличение экспорта. Проведён анализ привлечения прямых иностранных инвестиций (ПИИ) в страну. Рассматриваются пути достижения привлекательности ПИИ в экономику Узбекистана.

**Abstract:** Attracting foreign direct investment - as a guarantee for the development of regional exports. There is discussed in the article importance of the role and the influence of factors on the development of the regional economy and export as a result of attracting foreign direct investment and analyze the involvement of foreign direct investment during the years of independence. Also considered ways to attract foreign direct investment in the economy of Uzbekistan.

**Калит сўзлар:** тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, модернизация, экспорт, минтақа, диверсификацион рақобатбардош ишлаб чиқариш, инновацион технологиялар, рақобатбардош маҳсулотлар, инвестицион муҳит.

### Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан иқтисодий сиёсий, маданий жиҳатдан алоқалари тобора чуқурлашиб бормоқда. Айтиш мумкинки, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас бир қисмига айланмоқда. Хозирги кунда Россия, Япония ва бир қатор Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари каби етакчи давлатлар билан ҳамкорликда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган бўлиб, унда минтақаларнинг мавжуд минерал-хомашё, қишлоқ хўжалиги ва кўплаб иқтисодий имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда мамлакат экспорт салоҳиятини юқори даражага кўтариш асосий

вазифалардан бири сифатида белгиланган. Айтиш жоизки, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини босувчи товарларни ишлаб чиқариш ва албатта, энг асосийси экспортни, пировард маҳсулотлар экспорти географиясини кенгайтириш, ривожлантириш ислохотларнинг локомотиви ҳисобланади.

Табиий ресурслар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ишчи кучининг асосий қисми минтақаларда жойлашганлиги, ҳудудларга хорижий инвестицияларнинг жалб қилиш орқали саноатни, экспортни ривожлантириш, ишсизликни бартараф этишдаги асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Охирги икки йилда хорижий инвесторлар учун барча имтиёزلарни тақдим этувчи эркин иқтисодий ҳудуд (ЭИХ)ларнинг минтақаларда ташкил этилишини фикримизнинг исботи сифатида келтиришимиз мумкин.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Хорижий инвестицияларни минтақаларга жалб қилиш борасида чет эллик олимлардан Sushama Deshmukh[5], Davies S., Hallett M., [6] кабилар бир қатор тадқиқотлар олиб борган.

Минтақаларнинг истиқболли тараққиётида маданий алоқалар ва ахлоқий омиллар ўрнининг беқиёслиги тадқиқотчилар назаридан четда қолмаган. Л.Делюсин<sup>1</sup> ва Л.Переломовларнинг<sup>2</sup> таҳлиларида Сингапур ва Хитой иқтисодиётидаги ислохотларнинг ижобий ва салбий жиҳатларига, Конфуций таълимоти ва Ден Сяопин ислохотлари натижаларига миллий минтақавий қадриятлар нуқтаи назаридан баҳо берилган.

МДХдан Тумусов Ф.С., [7] Бутов В.И., Игнатов В.Г., Керова Н.П., [8] Гранберг А.Г., [9] ўзларининг илмий тадқиқотларида асосан минтақаларга инвестициялар жалб қилиш орқали самарали, илғор ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг назарий асослари тўғрисида сўз юритган.

Маҳаллий тадқиқотчи олимлардан мамлакатимизда илк бор проф. А.С.Солиев раҳбарлигида тайёрланган “Минтақавий иқтисодиёт” ўқув қўлланмасида давлатнинг минтақавий сиёсатини амалга оширишда асосий субъектлар сифатида ҳудуд, яъни вилоятлар олиниши таъкидланади<sup>3</sup>.

Мамлакатимизда бозор ислохотлари сусткашликларига ҳамда муаммоли минтақаларни ноқулай вазиятдан чиқаришга бағишланган тадқиқотларнинг бирида<sup>4</sup> минтақавий омилларни қуйидагича гуруҳлаштириш таклиф этилган:

иқтисодий географик ўрни; агроиқлим шароит; табиий-ресурс имконияти; иқтисодий салоҳият; демографик тузилиш ва меҳнат бозори; меҳнат тақсимооти ва тармоқ тузилиши; мулкый тузилиш; иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси; транспорт ва транспорт-иқтисодий алоқалар; аҳоли жойлашуви ва шаҳар ҳосил этувчи шароит; экологик аҳвол.

Инвестицияларни, айниқса хорижий инвестицияларни жалб қилишда минтақалар бўйича нотекис тақсимланиш юз бераётганини кўриш мумкин. Шунга мос

<sup>1</sup> Делюсин Л. Модернизация и учение Конфуция //Азия и Африка сегодня. 2001, №7, с.8

<sup>2</sup> Переломов Л. Конфуцианский пласт в мировоззрений китайских реформаторов // Проблемы Дальнего Востока. 2000, №1, с.114

<sup>3</sup>Солиев А., Ахмедов Э. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. – Т.: Университет, 2003.

<sup>4</sup>Чжен В.А. Бозор шароитида минтақанинг тармоқ тараққиёти. 5-китоб. – Т.: “Бизнес каталог” компанияси нашри, 1997, 66-67-бетлар.

равишда минтақаларда ишлаб чиқариш, экспорт ва аҳолини иш билан бандлиги кўрсаткичлари паст даражада қолмоқда(1,2-расмлар). Бу эса, минтақаларнинг мавжуд имкониятлари тўлиқ ўрганилмайдиган деган хулосага асос бўлмоқда.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот методологияси сифатида муаммога бағишланган илмий ишлар ва адабиётлар таҳлили; педагогик кузатиш, суҳбатлар, педагогик тажриба-синов ишлари, эксперт баҳолаш усулларидадан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳаётнинг ўзи ва ўтган йиллар тажрибаси ҳудудларни комплекс ривожлантиришни ва инфратузилма фаолиятини тубдан ўзгартиришни таъминлашдаги жиддий камчиликларни бартараф этишни талаб қилмоқда. Ҳудудларни, айниқса, қолоқ шаҳар ва туманларни комплекс ривожлантиришга доир энг муҳим устувор вазифани амалга ошириш заруратидан келиб чиқилди. Агар ҳудудларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичларини солиштирсак, улар кун ва тундек бир – биридан фарқ қилади.” [1].

Ҳудудларни комплекс ва мутаносиб тарзда ривожлантиришни таъминлаш, минтақаларнинг мавжуд табиий-хомашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириб бориш керак. Бундай мақсадларга эришиш учун уларнинг географик жойлашуви, иқлими, тарихи, ер ресурслари каби омиллардан келиб чиққан ҳолда кичик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга эътибор қаратиш керак. Бу ишларни аниқ ва пухта ишлаб чиқилган дастур асосида амалга ошириш керак.


2017 йилга келиб ташқи бозорларда талаб катта бўлган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган минерал хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитларни яратиш, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида, “Navoiy”, “Angren” ва “Jizzax” ЭИЗларнинг давоми сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги фармони эълон қилинди.

Минтақаларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвесторлар қўйидаги муаммоларга дуч келишмоқда:

1. Минтақаларда тадбиркор-малакали кадрларнинг етишмаслиги;
2. Минтақаларда электр энергия, газ ва сув таъминоти барқарор эмаслиги;
3. Жойлардаги ортиқча бюрократизм ва кўпгина масалалар фақат Тошкент орқали ҳал қилиниши;
4. Молия-банк ва суғурта тизимининг бозор иқтисодиёти талаблари даражасида ишламаслиги ва бошқалар.

Мамлакатимиз иқтисодиётида охириги йилларда олиб борилган туб ислохотларга қарамай ЯИМ ва мос равишда хорижий инвестицияларни жалб қилишда ҳудудларнинг улуши кескин фарқланмоқда. Республика бўйича биринчи чорак

яқунлари бўйича ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри 16,2%, Тошкент вилояти 9,1% ва Қашқадарё вилояти 6,3% билан энг юқори ўринларни эгаллади. ЯИМга энг кам улушни Тошкент шаҳрига нисбатан 10 баробардан кўпроқ фарқ билан Сирдарё вилояти эгаллади. Бу тафовут катта эҳтимол билан йил охиригача ўзгармайди(1-расм).



**1-расм. 2018 йилнинг январь-март ойлари учун ЯИМ ни шакллантиришида ҳудудларнинг иштироки (ЯИМга нисбатан %да)**


Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар тайёрлади.

Республика бўйича 2016 йилнинг яқунлари бўйича хорижий инвестицияларни жалб қилишда Бухоро вилояти 29,2%, Қашқадарё вилояти 18,9% ва Қорақалпоғистон Республикаси 15,9% билан энг юқори ўринларни эгаллади. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда энг кам улушни Бухоро вилоятига нисбатан 36.5 баробар фарқ билан Самарқанд(0.8%) вилояти эгаллади.(2-расм)

Хорижий инвестицияларнинг тармоқ тузилмасида хом нефть ва табиий газ қазиб олишни (45%) ўз ичига оладиган тоғ-кон саноати 45,4%ни ташкил этди. Шунингдек, хорижий сармоядорлар томонидан ишлаб чиқариш саноати (12,9%), ташиш ва сақлаш (12,9%), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш (12%), ахборот ва алоқа (7%) ва иқтисодий фаолиятнинг бошқа бир қатор соҳаларига инвестициялар киритилди.

2016 йилда умумий қиймати 5,2 млрд. АҚШ доллари бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш яқунланди. Шу жумладан, «Талимаржон ИЭСда 450 МВт қувватли иккита буғ-газ турбинаси қуриш», «Ангрен ИЭСда кўмир кукунидан фойдаланишга мўлжалланган 150 МВт қувватли энергия блоки қуриш», «Жиззах вилоятидаги цемент заводини кенгайтириш», «ЖМ Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», «Мис қуюв заводида янги қуюв печи қуриш», «Мойлисой кони қурилиши», «Индорама Қўқон текстиль» хорижий корхонасида йигирув корхонаси ташкил этиш (IV-босқич)», Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги «Фантекс» масъулияти чекланган жамиятида йигирув корхонаси ташкил қилиш», «Сирдарё

вилоятидаги «Guliston Med Texnika» қўшма корхонасида стериль шприцлар ишлаб чиқариш» ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир.



### 2016 йилда ҳудудларнинг Республика бўйича жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмидаги улуши (фоизда)

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар тайёрлади.

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича етарлича салоҳият мавжуд бўлиб, у ишлатилмасдан қолмоқда. Аҳоли жон бошига хорижий инвестицияларни жалб этиш кўрсаткичи 2016 йилда 121,8 АҚШ долларини, жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича 79,4 АҚШ долларини ташкил этиб, бу кўрсаткичлар ривожланаётган мамлакатларда ўртача 129,0 АҚШ долларини, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида 160,0 АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Ҳудудлар кесимида асосий инвестициялар ҳажми (нефтегаз соҳасидаги лойиҳалар ва йирик инвестиция лойиҳаларини ҳисобга олмаган ҳолда) Тошкент шаҳри, Тошкент ва Андижон вилоятларига (61%дан зиёд) тўғри келмоқда. Энг кичик кўрсаткичлар эса Бухоро (1,4%), Жиззах (1,7%) ва Навоий (1,9%) вилоятларида кузатилмоқда. Сўнги икки ҳудудда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилганига қарамадан уларга киритилган инвестициялар пастлигича қолмоқда [4].

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони имзоланганлиги мамлакатимиз инвестицион жозибадорлиги имкониятларини оширишга хизмат қилмоқда. Улар қўйидагилардан иборат [2]:

➤ Минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати қарийб 40 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган 649 та инвестиция лойиҳаларини амалга



оширишни кўзда тутувчи тармоқ дастурларини ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш.

➤ 2017 йилда умумий қиймати 1,0 млрд. АҚШ долларилек 145 та ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш, шу жумладан:

➤ мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 147 млн. АҚШ долларилек 63 та лойиҳа;

➤ рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш бўйича 217 млн. АҚШ долларилек 6 та лойиҳа;

➤ кимёвий хомашёларни чуқур қайта ишлаш бўйича 25 млн. АҚШ долларилек 2 та лойиҳа;

➤ углеводород хомашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича 342 млн. АҚШ долларилек 6 та лойиҳа;

➤ тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича 6 млн. АҚШ долларилек 9 та лойиҳа;

➤ фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишга йўналтирилган 24 млн. АҚШ долларилек 7 та лойиҳа;

➤ қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича 151 млн. АҚШ долларилек 29 та лойиҳа;

➤ тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича 178 млн. АҚШ долларилек 15 та лойиҳа.

Юқоридаги лойиҳаларнинг аксарият қисми минтақаларда амалга оширилади ва мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада юксалишига хизмат қилади.

Келгуси 5 йилда республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ЯИМдаги улуши — 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишловчи тармоқларнинг саноатдаги улуши — 80 фоиздан 85 фоизга ўсади.

2017 йилда 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатдош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилди [1].

Ривожланган малакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, юқори иқтисодий ўсиш даражасига эришиш ва юксак ривожланганлик даражасига эришиш мавжуд табиий захиралар ва бойликлар ҳисобига эмас, балки ишлаб чиқаришга асосланган муҳим тармоқларни жадал ривожлантириш ҳисобига таъминланади. Ўзбекистон Республикаси олдида ҳам худди шундай марраларга эришиш мақсадлари ётади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Мамлакатимизда минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

1. Мамлакатимиз ҳудудларидаги мавжуд иқтисодий имкониятларни кўпроқ тадқиқ қилган ҳолда улардаги мавжуд имкониятлар билан хорижий инвесторларни хабардор қилиш тизимини такомиллаштириш зарур.

2. Минтақаларнинг иқтисодий имкониятларини таҳлил қилиш асосида иқтисодиётнинг локомотив тармоқларини аниқлаш;

3. Минтақаларда тараққиёт фондларини ташкил қилиш;

4. Қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш, шунингдек уларнинг асосий етиштириб берувчи маҳсулотлари пахта, ипак, тери-жун, мева-сабзавот ва полиз экинлари, шунингдек чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини цех, заводларини қуриш самарали ҳисобланади. Саноатни қишлоқ

жойларига олиб киришда инфратузилма яхши ривожланган шаҳарлардан босқичма-босқич қишлоқ жойларига силжиш зарурлигини таклиф сифатида келтирамиз.

5. Қишлоқ жойларини шаҳарлаштириш орқали марказдаги турли ишлаб чиқариш корхоналарини нисбатан қолақ бўлган ҳудудларга кўчириш;

6. Минтақалар тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, давлат бюджети ва хорижий инвестициялар ҳисобидан ҳудудларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш инвестиция лойиҳаларига инвестиция грантларини ташкил этиш;

7. Хорижий инвесторлар билан бирга хорижий инвестор учун зарур бўлган инфратузилма яратишда ҳамкорлик қилиш;

8. Қишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни ташкил қилган хорижий инвесторларга ташкил қилинган фондлар ҳисобидан субсидия ва имтиёзли кредитлар бериш (Покистон, Хитой, Ҳиндистон тажрибаси);

9. Вилоятнинг туманларида минтақа тадбиркорлари учун хорижнинг илғор минитехника – технологияларини кўргазмасини ташкил этиш. Тадбиркорлар хорижлик ишбилармонлар билан юзма –юз туриб музокара олиб бориш натижасида улар тез келишувга эришадилар;

10. Минтақа имкониятларидан келиб чиқиб имтиёз суммасидан камроқ хорижий инвестиция киритилса ҳам уларга “солиқ таътиллари”ни шунингдек, электр энергияси, сув, газ, транспорт хизмати таъминоти нархларини пасайтирган ҳолда бериш.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, мамлакатда диверсификацион рақобатбардош ишлаб чиқаришни ва хизматлар соҳасини ташкил қилиш, такомиллаштириш орқали ҳар қандай бўладиган инқирозларга қарши иммунитет ҳосил қилиш мумкин. Айни пайтдан фойдаланиб экспортга чиқарилаётган тайёр маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини ошириш орқали жаҳон бозорида ўз ўрнимизни мустақамлаб олиш мумкин. Хорижий инвестицияларсиз бундай мувафақиятга эришиш имкони йўқ. Бу нарсага яна бир ёрдам берувчи омил чет элларда ишлаб юрган кўплаб ишчиларимиз малакали кадрлар сифатида мамлакатимизга қайтиб келишмоқда. Биз уларнинг потенциалидан ҳам фойдаланишни эсдан чиқармаслигимиз лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январда ўтказилган мажлисдаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак» маърузаси. //Халқ сўзи. 2017 й. 16.01.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107036](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036)

3. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд



қийинчиликларга қарамасдан, олиб борилаётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” мавзусидаги маърузаси. //Халқ сўзи 2016 йил 16 январь.

4. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг 2010-2018 йилдаги маълумотлари. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

5. Sushama Deshmukh [2012], Effect of FDI on Emploment Generation International Referred Research Journal, [Onlaine] p 28.

6. Davies S., Hallett M. (2002). Interactions between National and Regional Development. Hamburg Institute of Regional Economics, Hamburg.

7. Тумусов Ф.С. «Инвестиционный потенциал региона». М.: «Экономика», 1999 й., 13 б.

8. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Керова Н.П. Основы региональной экономики. – Ростов на Дону, 2000.

9. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. 2002.